

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН МУҲАНДИСЛИК – ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

БАКАЛАВРИАТНИНГ

**5340100 – Иқтисодиёт, 5340600 - Молия, 5521200 – Транспорт воситаларини
ишлатиш ва таъмирлаш йўналишлари учун**

**РУСИЙЗАБОН ТАЛАБАЛАРГА ЎЗБЕК ТИЛИ ФАНИДАН ЯКУНИЙ
ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИ СИНОВЛАРИ УЧУН ДАСТУР, САВОЛЛАР ВА
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

Андижон – 2010

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти Илмий
кенгашида кўриб чиқилган ва маъқулланган

Кенгаш раиси: _____ проф. А.А. Сотволдиев
_____ - сонли « _____ » _____ 2010 й.

«МАЪҚУЛЛАНГАН»

Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти Ўқув-услубий кенгашида
кўриб чиқилган ва маъқулланган

Кенгаш раиси: _____ доцент А.Ҳакимов
_____ -сонли « _____ » _____ 2010 й.

«МАЪҚУЛЛАНГАН»

«Иқтисодиёт» факультети кенгашида муҳокама қилинган ва маъқулланган

Кенгаш раиси: _____ доцент С.Аъзамов
_____ -сонли « _____ » _____ 2010 й

«Тиллар» кафедраси мажлисида муҳокама қилинган ва тавсия этилган

Кафедра мудири: _____ катта ўқитувчи М.Р.Азизова
Кафедра мажлисининг _____ -сонли баённомаси
« _____ » _____ 2010 йил

Такризчилар:

1.Ф.Ф.Н. доцент С.Қурбонов

Тузувчи:

Катта ўқитувчи М.Абдурахмонова “Русийзабон талабаларга ўзбек тили
фанидан якуний давлат аттестацияси синовлари учун дастур, саволлар ва
баҳолаш мезонлари”.– А.: АндМИИ 2010 йил

ЎЗБЕК ТИЛИ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1 ФАНИНИ ЎҚИТИШДАН МАҚСАД.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги”ги ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” тўғрисидаги Қонунлари олий ўқув юртлари ўқитувчиларнинг олдида ўқитиш ва тил ўқитишга ва тил ўрганиш борасида янги вазифалар қўймоқда. Айниқса ўқитиш рус тили олиб бориладиган гуруҳларда ўзбек тилини ўқитишга эътибор кучайтирилмоқда.

Анд МИИ да ўзбек тили рус гуруҳларида 1 ва 2 – курсда ўқитилади. Бу фаннинг ўқитилишига оид оид республикада мавжуд институтларда умумий дастурлар тузилган, дарслик ва қўлланмалар чоп этилмоқда. Лекин ҳар бир институтда бу фанни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Институтимиз ўзбек тилини ўқитишда бу хусусиятларга алоҳида аҳамият берилади. “Технологик машина ва жихозлар”, “”

Иқтисодиёт йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар кейинчалик ишлаб чиқариш корхоналарида ишлайдилар. Улар ҳар бир ишни, ҳужжатларни ўзбек тилида юритиш билан бир қаторда, нутқ маданиятининг юксак сирларидан ҳабардор бўлиши, фикрни раво ва гўзал қилиб баён этиши, мутахассислиги билан боғлиқ сўзларни, атамаларни тўғри ёзиши, ўзбекча талаффузни яхши билиши керак. Демак, рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитишдан мақсад талабаларни ўзбекча тўғри гапириш, ёзишга ўргатиш, уларни ўзбек тилига, миллатига, маданиятига, урф-одатларига қизиқиш, расмий иш қоғозларини тўғри ёзиш, техникага оид ва адабиётларни ўқишга жалб қилиш, мутахассисликка оид атамаларни нутқда тўғри қўллашга қргатиш, уларнинг муомала ва фикрлаш доирасини кенгайтириш ва такомиллаштиришдан иборат.

1.2.ФАНИНИ ЎРГАНИШНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

Ушбу дастур тил ўргатишга қаратилгани учун ўзбек тилининг грамматик қонун қоидаларини тўлалигича ва чуқур эгаллаш талабини қўймайди. Чунки бунинг имкони ҳам йўқ, эҳтиёжи ҳам. Лекин институтнинг рус гуруҳи битирувчиси ўзбекча нутқни эгаллаши, ўзбек тили грамматикаси асослари ҳақида умумий тушунчага эга бўлиши керак.

Талабалар ўзбек тилидан қуйидаги малакаларга эга бўлишлари лозим:

1. Ўзбек тили нутқ товушларини тўғри талаффуз қила олиш
2. Ўзбек тилида ишлатиладиган 5000 тадан ортиқ сўз бойлигига эга бўлиш.
3. Оғзаки ва ёзма нутқда ўзбек тили грамматикаси қоидаларидан тўғри фойдалана олиш.
4. Ўзбекча нутқни тушуна олиш, ўз фикрини ўзбек тилида изҳор қила олиш, шунингдек, ўқилган ўртача қийинликдаги мантиқнинг мазмунини гапириб бера олиш.
5. Ўзбек тилида савол жавоб туза билиш.

6. Ўзбек тилида иш қоғозлари (ариза, тушунтириш хати, ишонч қоғози, таржимаи хол ва х.к.) ни ёза билиш.
7. Ўзбекчадан русчага, русчадан ўзбекчага луғат ёрдамида таржима қила олиш.
8. Расмга қараб оғзаки ва ёзма хикоя туза билиш.
9. Ўзбек тилидаги бадиий асарларни луғат ёрдамида ўқишни билиш,
10. Диктант, баён ва кичик иншо ёза билиш

1.3.ЎЗБЕК ТИЛИДАН ТАЛАБАЛАР ЎРГАНИШИ ЗАРУР БЎЛГАН МАВЗУЛАР РЎЙЎАТИ.

Кириш. Курснинг мақсад ва вазифалари . Ўзбек тилини ўрганишнинг аҳамияти.

Фонетика. Нутқ товушлари ва ҳарфлар. Бўгин ва урғу. Ҳозирги ўзбек алифбоси. Ў.Қ.Ҳ.ундошларининг талаффузи ва ёзилиши.

Морфемика. Сўз ясалиши.

Сўз туркумлари. Атоқли ва турдош отлар. Отларнинг бирлик ва кўпликда қўлланиши. Отларнинг эгалик ва келишиқ қўшимчалари билан турланиши.

Сифат туркуми. Сифатнинг маъноси ва грамматик белгилари.

Сифатнинг тузилиш турлари. Сифат даражалари.

Сон туркуми. Соннинг маъноси ва грамматик белгилари. Соннинг маъно турлари. Олмош, унинг грамматик белгилари. Олмошнинг маъно ва тузилиш турлари.Олмошнинг турлари

Феъл туркуми. Унинг маъноси ва грамматик белгилари. Бўлишли - бўлишсизлик, ўтимли – ўтимсизлик. Феълнинг сифатлари ва майллари. Фелъ шакллари. Феъл замонлари.

Равиш туркуми. Равишнинг маъно ва тузилиш турлари.

Ёрдамчи сўзлар: боғловчи, кўмакчи, юклама. Уларнинг грамматик белгилари. Модал, ундов ва таклид сўзлар.

Синтаксис. Сўзларнинг ўзаро боғланиши. Сўз бирикмаси.

Гап. Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари. Гапнинг тузилиш турлари.

Гап бўлаклари: эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, хол. Гапнинг уюшиқ ва ажратилган бўлаклари. Ундалма, кириш ва киритмалар. Бир бош бўлакли гаплар. Қўшма гап, унинг турлари: боғланган ва эргашган гаплар.

Услубият. Нутқ услублари: сўзлашув, илмий-публицистик, расмий ва бадиий услублар. Нутқ маданияти. Тиниш белгилари.Иш қоғозлари

2. ФАН БЎЙИЧА ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАТЕРИАЛЛАР

2.1. ФАН БЎЙИЧА ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Фонетика, нутқ товушлари, унли ва ундош товушлар, бўгин, урғу, лексикология, морфемика, ўзак, қўшимчалар, негиз, от, сифат, олмош, сон, феъл, равиш, боғловчи, кўмакчи, модал сўзлар, ундов ва таклид сўзлар, мославчи, бошқарувчи, битирувчи, гап, дарак гап, сўроқ ва буйруқ гаплар,

аниқловчи, тўлдирувчи, хол, бир бош бўлак гаплар, боғланган, эргашган қўшма гап, услубият, нутқ услублари, нутқ маданияти, иш қоғозлари.

2.2. АСОСИЙ ВА ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР.

а) Асосий адабиётлар:

1. А.Йўлдошев. Ўзбек тилини ўрганамиз.Т., 1996
2. Т.Алиқулов. Русча – ўзбекча ўқув луғати. М., 1982

б) Қўшимча адабиётлар:

1. Президент И.Каримов асарлари.
2. “Юксак маънавият – енгилмас куч” И.Каримов
3. Русча – ўзбекча луғати. Т., 1984
4. В.И. Кранных, С.И. Гаипов. Ўзбекча – русча ва русча – ўзбекча сўзлашгич.Т., 1989

4.3. УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР, КЎРГАЗМАЛИ ҚУРОЛЛАР, УСЛУБИЙ МАТЕРИАЛЛАР

а) Услубий кўрсатмалар

Ўзбек тилида амалий машғулотлар уй вазифасини текшириш. Янги мавзуни баён этиш, мустаҳкамлаш боскичларидан иборат бўлади.Машғулотларда мавзуни мустаҳкамлаш учун мутахассисликка доир матнлар олиниб, таҳлил қилинади. Қўлланмадаги машқлар ишланади.

Мустақил таълим машғулотларида эса талабалар мавзу юзасидан берилган машқлар шартига кўра бажарилади. Бу ишлар ўз вақтида кузатиб борилади.

б) Кўргазмали қуроллар

Ўзбек ёзувчи ва шоирларнинг расмлари

Ўзбек адибларининг ҳаёти ва ижодига бағишланган китоблар

Ўзбек ёзувчилар ижодига ижодига бағишлаб чиқарилган буклетлар

в) Услубий материаллар

Ўтилган мавзуга оид саволларни ўз ичига олган карточкалар.

Турли мавзуларга доир рангли расмлар.

Тест материаллари.

РУС ГУРУҲЛАРИДА «ЎЗБЕК ТИЛИ» БЎЙИЧА ЯКУНИЙ ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Ўқитувчи кўрсатган матнни ўзбек тилига таржима қилинг.
2. Берилган мавзу бўйича боғланишли матн тузинг.
3. Берилган гапни грамматик таҳлил қилинг.
4. Грамматик мавзу бўйича фикрингизни ёзинг.
5. Эгаллаётган касбингизни тавсифланг.

БОҒЛАНИШЛИ МАТН ТУЗИШ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Андижоннинг дам олиш масканлари
2. Буюк олим Ибн Сино ҳақида
3. Андижоннинг олий ўқув юртлари ҳақида.
4. Андижоннинг шоир Бобур ҳақида.
5. Байрам таасуротлари
6. Институтимиз ҳақида
7. Табиатни асранг
8. Институтимиз кутубхонаси
9. Учрашув таасуротлари
10. Ҳурмат қилсанг ҳурмат кўрасан
11. Гўзал инсоний фазилатлар
12. Андижон саноат корхоналар ҳақида
13. Ўзбек миллий таомлар ҳақида
14. Соҳубқирон Амир Темур ҳақида
15. Ўзбекистон менинг ватаним
16. Тилга ҳурмат – элга ҳурмат
17. Кўнгилли дам олдим
18. Ўзбекистон пахтаси
19. Дўстлик ҳақида
20. Тошкент – республикамиз пойтахти
21. Наврўз байрами ҳақида
22. Андижон спорти
23. «Андижон машинаси»
24. Талабалар ётоқхонаси
25. Факультетимиз ҳақида
26. Ўзбекистон табиати
27. Ўзбек шоири А. Навоий ҳақида
28. 2002- йил қарияларни кадрлаш йили
29. Гиёҳвандликка қарши курашайлик
30. Орол бизнинг фожеамиз

ГРАММАТИК МАВЗУЛАР

1. Ўзбек тили фонетикаси
2. Отларнинг келишиқ қўшимчалари билан турланиши
3. Отларнинг эгалиқ қўшимчалари билан турланиши
4. Сифат даражаларини изоҳланг
5. Сон туркими
6. Олмош ва унинг турлари
7. Фелъ замонлари ҳақида
8. Феъл майллари ҳақида
9. Феъл нисбатлари
10. Ҳаракат номи
11. Равишдош ҳақида
12. Сифатдош ҳақида
13. Равиш ва унинг маъно турлари
14. Ёрдамчи сўз туркумлари
15. қўмақчи
16. Юклама
17. Модал, ундов, тақлид сўзлар
18. Гапда сўзларнинг боғланиши
19. Гап бўлақлари. Эга
20. Кесим
21. Аниқловчи
22. Тўлдирувчи
23. Хол
24. Гапнинг уюшиқ бўлақлари
25. Ундалма
26. Кириш ва киритмалар
27. Гапнинг ифода мақсадига қўра турлари
28. Қўшма гап. Боғланган қўшма гап
29. Эргашган қўшма гап
30. Услубият. Нутқ услублари

ЯКУНИЙ ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИ ИШЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Ҳар бир билет 5 тадан топшириқни ўз ичига олган. Умумий максимал балл 100 балл бўлиб, ҳар бир топшириқ 20 баллдан баҳоланади. Баллар жамланади ва 100 балл системасида натижаланади.

- 86 баллдан – 100 баллгача – 5
- 71 баллдан – 85 баллгача – 4
- 55 баллдан - 70 баллгача – 3
- 55 баллдан ками -2

БОҒЛАНИШЛИ МАТН УЧУН МАВЗУЛАР.

1. Мен Ватанни севаман.
2. Ҳар бир киши тадбиркор бўлмоғи лозим.
3. Мен танлаган касб.
4. Келажакдаги орзуларим.
5. Иқтисодчи бўлиш-давр талаби.
6. Менинг шахрим.
7. Байрам таасуротлари.
8. Гўзал инсоний фазилатлар.
9. Мустақиллик иқтидорлиларни кашф этди.
10. Ўзбек тили – Давлат тили.
11. Байрам таасуротлари.
12. Кўнгилли дам олдик.
13. Мен ўқиган мактаб.
14. Яшамоқ- яратмоқ демак.
15. Оталар сўзи ақилнинг кўзи.
16. Қоҳрамонлар унутилмайди.
17. Ўзбекистон тараққиёт йўлида.
18. Инсондан ҳотира қолади.
19. дўст билан обод уйинг.
20. Она – буюк зот.
21. Нутқ маъданияти нима?
22. Бахт нима?
23. Бизнинг институт.
24. Мен ёқтирган асар.
25. Наврўз байрами – баҳор байрами.
26. Андижон бўйлаб саёҳат.
27. Меҳнат инсонни улғайди.
28. Тил ҳурмат – эл ҳурмат.
29. Табиатни асранг.
30. Институт кутубхонаси.

ТАХЛИЛ УЧУН ҒАПЛАР.

1. Биз дам олиш учун Тошкентга бордик.
2. Фарҳод деворий газетага янги мақола ёзиб берди.
3. Тошкент Ўзбекистоннинг энг катта ва чиройли

- шаҳарларидан биридир.
4. Ўзбекистонда катта-кичик шаҳарлар ва қишлоқлар жуда кўп.
 5. Менинг ўртоғим Бобир ҳозир Фарғонада яшайди.
 6. Биз “Аччиқ данак” фильмини бир неча марта кўрганмиз.
 7. Комила ўткир кўзларини чакнатиб атрофга назар солди.
 8. Тўпларининг наъралари қулоқларга ғира – шира эшитила бошлади.
 9. Келажакда Ўзбекистонда ҳам компьютер ишлаб чиқариш йўлга қўйилади
 10. Каримга кечаги воқеани кула-кула айтиб бердим.
 11. Эй дўст, билимли киши изидан боргил.
 12. Соҳибқирон навбатдаги сафарга кетаётган эди.
 13. Мевазор боғлар, лиммо-лим оқаётган анҳор, ариқларнинг шалоласи ҳаёлимни қамраб олганди.
 14. Бобир қисқа ҳаёт кечирди, лекин жуда катта илмий ва адабий мерос қолдирди.
 15. Ўзининг иқтидори, ақл – заковати, мураккаб тақдири билан З.М.Бобур киши эътиборини ўзига тортди.
 16. Атрофни қуршаган тоғлар, қирлар, дарахтлар ям – яшил кўринади.
 17. Юртимизда Машхура Юсуповадек ишбилармон, тадбиркор, мулкдор кўплаб топилади.
 18. Энди бу ерларда жуда катта ўзгаришлар бўлади.
 19. Сени табриклашга шошилдик, елдик
 20. Илм – фан тараққий этган мамлакатлар тез ривожланади.
 21. Ишлашни билган одам яхши ишлашни ҳам билиши керак
 22. Менга Дилбарнинг камгаплиги, соддалиги, беғуборлиги ёқади.
 23. Катта – кичик балолар ҳар қадамда учрайди
 24. Сув ёқалаб ўсган ялонғоч дарахтларнинг новдаларида совуқ шамол шивирларди
 25. Ўзбек олими бу шарафга ўзининг меҳнати билан эришган
 26. Садоқатли одам ўз халқининг зебу – зийнати ҳисобланади
 27. Кеча вилоятимизнинг тадбиркорларига мукофатлар топширилди
 28. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам берилди
 29. Зар қишлоғининг катта – кичик кўчаларида кўклам намоёиш кезади

30. Ўқиган, уққанлар ўз муносиб ўринларни топади.

Битирувчи талабаларнинг «Ўзбек тили» фанидан Якуний Давлат Аттестацияси синови учун бажарилган «Ёзма иш» ларини баҳолаш

МЕЗОНИ

Берилган саволга тўғри тўла жавоб ёзилса, саволларнинг мазмуни, махияти, сабаблари, натижалари тўғри ёзилса, ижодий ёндошилса, жавобдан мантикий яхлидликка эришилса ўзлаштириш кўсаткичи 17.00 дан 20.00 балл оралиғида баҳоланади.

Берилган саволга тўғри жавоб ёзилса, саволларнинг мазмуни, мохияти, сабаблари, натижалари тўғри ёритилса, айрим ноаниқликларга йўл қўйилса ўзлаштириш кўрсаткичи 14.02 дан 17.00 балл оралиғида баҳоланади.

Берилган саволга тўғри жавоб ёзилса, бироқ қўйилган масаланинг мохияти, мазмуни, натижалари юзаки ёзилса, атамалар ва тушунчалар тўғри ёзилмаса ўзлаштириш кўрсаткичи 11.00 дан 14.02 гача балл оралиғида баҳоланади.

Берилган саволларга жавоб ёзилмаса ёки саволга нотўғри, юзаки жавоб ёзилса, қўйилган масалани мохияти, мазмуни очиб берилмаса ўзлаштириш кўрсаткичи 0 дан 11.00 балл оралиғида баҳоланади.

Ёзма синов бўйича умумий ўзлаштириш кўрсаткичини аниқлаш учун вариантлар берилган саволларнинг ҳар бири учун жавоблар қўйилган ўзлаштириш баллари қўшилади ва йиғилган баллар талабанинг умумий ўзлаштириш бали ҳисобланади.

